



GROUNDS FOR EXEMPTING MINORS FROM CRIMINAL LIABILITY OR PUNISHMENT

Khurshid Saidov

Master's student

Law enforcement academy of The Republic of Uzbekistan

E-mail: xurshidsaidov001@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: minor, exemption from criminal liability, exemption from punishment, psychology of minors, social maturity.

Received: 11.12.25

Accepted: 12.12.25

Published: 13.12.25

Abstract: This article examines the legal grounds for exempting minors from criminal liability or punishment, the specific legal nature of such exemptions, and the approaches reflected in current national and foreign legislation. It also analyzes the opinions and scholarly contributions of researchers who have studied this issue. Special emphasis is placed on the role of minors' psychological characteristics, their level of social development, as well as the circumstances and causes of the offense in determining whether a minor may be released from criminal liability.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Хуршид Саидов

Магистратура талабаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

E-mail: xurshidsaidov001@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: вояга етмаган шахс, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жазодан озод қилиш, вояга етмаганлар психологияси, ижтимоий ривожланганлик.

Аннотация: Мазкур мақолада вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинишининг қонуний асослари ва уларнинг ўзига хос ҳуқуқий табиати, амалдаги миллий ва хорижий қонунчиликдаги ёндошувлар ҳамда бу борада илмий фаолият олиб борган

олимларнинг фикр мулоҳазалари таҳлил қилинади. Шунингдек, вояга етмаган шахсларнинг психологияси, ижтимоий ривожланганлик даражаси, жиноятни содир этиш шароитлари ва сабабларининг вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилишдаги роли кўриб чиқилади.

ОСНОВАНИЯ ОСВОБОЖДЕНИЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ ОТ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ИЛИ НАКАЗАНИЯ

Хуршид Саидов

Студент магистратуры

Академия правоохранительных органов Республики Узбекистан

E-mail: xurshidsaidov001@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
несовершеннолетнее лицо, освобождение от уголовной ответственности, освобождение от наказания, психология несовершеннолетних, социальная зрелость.	В данной статье анализируются правовые основания освобождения несовершеннолетних лиц от уголовной ответственности или наказания, их специфическая юридическая природа, а также подходы, закреплённые в действующем национальном и зарубежном законодательстве. Кроме того, рассматриваются мнения и научные выводы исследователей, занимавшихся разработкой данной проблемы.

Кирриш. Жамиятда ёшларнинг ўрни ва уларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ ва кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилигида вояга етмаганларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми эътироф этилиб, уларнинг ёшига мос бўлган жазо чораларини қўллаш тамойиллари белгиланган. Ушбу мақолада вояга етмаган шахсларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш асослари халқаро ҳуқуқ ва ўзбекистон миллий қонунчилиги асосида таҳлил қилинади.

Адабиётлар шарҳи. Шу соҳада фаолият олиб борган олимлардан бири А.В.Наумов бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, жиноят содир қилган шахс фақат ижтимоий хавфли бўлмаган тақдирдагина уни жиноий жавобгарликдан озод қилишга йўл қўйилиши, шахсининг бундай тавсифланиши озод этишнинг ажралмас шарти сифатида зарур эканлигини таъкидлаб ўтган [2].

Ш.Бердиев ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда Жиноя Кодексидаги жиноий жавобгарликдан озод этиш турлари ривожланган давлатлар жиноят қонунларидаги

нормаларга ҳамоҳанг бўлиб, мамлакатимиз қонунда унинг турлари айрим давлатларга нисбатан кўпроқ эканлигини, бу институтлар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари, принциплари ва андозаларига тўлиқ мос келиши, жиноят қонунларида инсонпарварлик принципининг мустаҳкамланишига кўмаклашиши ва энг муҳими, мазкур институт суд-тергов амалиётида самарали қўлланилиши билан боғлиқ деб фикр билдирган.

Тадқиқот ва муҳокамалар. Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институти миллий ва хорижий жиноят ҳуқуқининг энг муҳим, ижтимоий адолат ва гуманизм тамойилларига таянадиган соҳаларидан биридир. Бу институтнинг моҳияти вояга етмаган шахснинг психофизиологик ривожланиши, ундаги хулқ атворининг барқарор шаклланмаганлиги, таълим-тарбия таъсирига юқори даражада мойиллиги каби хусусиятлардан келиб чиқади. Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни тўғридан-тўғри жазолашдан кўра, уни тузатиш ва ижтимоий мослаштириш, келгусида ҳуқуқбузарликка қайтмасликни таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш - жиноят содир қилган шахсга нисбатан қонунда кўрсатилган жиноят-ҳуқуқий чораларни қўлламай, аксинча, уни бундай жавобгарликдан озод қилиш тушунилади. Жиноий жазодан озод қилиш эса жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бир шакли ҳисобланиб, бунда баъзи ҳуқуқий оқибатлар сақланиб қолиши мумкин.

Жиноий жавобгарликдан озод этиш, ўзининг юридик мазмунига кўра, айбдорнинг содир қилган жиноятининг барча ҳуқуқий оқибатларидан, жазодан ва судланганлик чекловларидан озод қилиниши, хуллас, давлат номидан суднинг айблов ҳукмида фуқарони жиноятчи деб эълон қилишдан воз кечишни билдиради [1].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига кўра вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳамда жазони енгилроғи билан алмаштириш шаклларида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 16 – боби жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш деб номланиб, унга кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламастан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш болалар масалалари бўйича комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Шунингдек, Жиноят Кодексининг 87-моддаси 2-қисмига кўра беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган

жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленуми ҳам бу борада ўз қарорида вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шартлиги таъкидланган.

Бу масалага М.Ҳ.Рустамбаев эътибор қаратиб, жиноий жавобгарликдан озод этиш – бу жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар тимсолида давлат жиноят содир қилган шахсни ЖКда кўрсатилган барча ҳолатлар юзасидан ўзининг илгариги ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотганлиги оқибатида шахсни маҳкум қилишдан воз кечиши, деб таъкидлайди [3].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 88-моддасига кўра вояга етмаганларга нисбатан қўйидаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш – бунда вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишда, кўпчиликнинг олдида ёки яққа тартибда узр сўрайди. Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди. Узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади;

в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш. Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорида судларга ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсларга ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни

такроран содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан ЖК 88-моддасида кўрсатиб ўтилган мажбурлов чораларини кенгроқ қўлланиши белгиланган.

Г.А.Султанова бу борада мажбурлов чоралари фақат вояга етмаганларга нисбатан қўлланилиши ва ўзида тарбиявийлик мазмунини кўпроқ ифодалашини, шунингдек уларнинг қўлланилиши жиноят содир этган вояга етмаганларнинг жиноий фаолиятларини давом эттирмасликлари ва ижтимоий ҳаётга тезроқ қайтишлари учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди.

У.Ш.Холиқуловга кўра, узр сўраш мажбуриятини ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш тариқасида 14-16 ёшли ўсмирларга қўллаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда узр сўраш мажбурий чорасини 14-16 ёшли шахсларга нисбатан қўлланилиши чоранинг тарбиявийлик аҳамиятини янада оширади деб ўйлаймиз.

Фикримизча, мажбурлов чоралари вояга етмаганларга нисбатан қўлланилганидагина тарбиявий аҳамиятга эга бўлади, бундай чораларни вояга етганларга тайинлаш мақсадли бўлмайди. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, мажбурлов чораларини қўллашнинг асосий шарти сифатида шахс вояга етмаган бўлиши лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш жазо турлари учун белгиланган тартиб-қоида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин. Ушбу қоида Жиноят Кодексининг 89-моддасида белгиланган. Мазкур модданинг 3-қисмига кўра жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

- а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;
- б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;
- в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этишнинг қонун ҳужжатида белгиланган шартларига қуйидагилар, яъни айбини бўйнига олиш ҳақида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам бериш, шунингдек, етказилган зарарни бартараф этиш

хамда шахс томонидан маълум тоифадаги жиноятларни биринчи марта содир этилганлиги каби ҳолатлар киритилган. Айтиб ўтишимиз лозимки, шахс ўз айбини бўйнига олмас экан, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳолати ҳам содир бўлмайди [4].

Бу борада, Н.А. Додонов фикрича, рағбатлантириш нормаси мутасадди орган, муайян шартлар бажарилган тақдирда рағбатлантиришни амалга ошириш мажбуриятини белгилаши лозим [5].

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишнинг моҳияти шундаки, суд жазонинг ўталмаган муддати давомида қасддан янги жиноят содир этмаслик шарти билан, жазо ўтаётган шахсни жазони ўталмай қолган қисмини ўташдан озод қилади. Шундай қилиб, жазонинг ўталмаган қисми ўзига хос синов муддати бўлиб, унга риоя этмаслик жазонинг ўталмаган қисмини ҳисобга олиш, уни янги тайинланган жазога қўшиш ва муддатидан илгари шартли озод қилишнинг тугатилиши учун асос бўлади. Шундан келиб чиқиб, муддатидан илгари шартли озод қилишни жазодан озод қилишнинг хусусий ва шартли тури, деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 90-моддасига кўра ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Хулоса. Вояга етмаганларни жазодан озод қилиш халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчиликнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, бу ёш авлодни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг қайта тикланиши имкониятини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари бу йўналишда халқаро талабларга мос келадиган ижобий тамойилларни ўз ичига олган.

Бироқ фикримизча амалиётда баъзи камчиликлар кўзга ташлангмоқда: Тиббий психологик экспертиза тизимининг етарли эмаслиги: вояга етмаганларнинг психологик ҳолатини баҳолашда замонавий методларнинг, технологияларнинг мавжуд эмаслиги;

Назорат механизмнинг заифлиги: Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган вояга етмаганлар устидан назоратнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги;

Ижтимоий тарбиявий муаммоларнинг мавжудлиги: ота-оналарнинг алкоголизм, наркомания ва бошқа жиноий фаолият билан шуғулланиши, мактабларда таълим сифатининг пастлиги натижасида вояга етмаган ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқиши мавжуд эмаслиги;

Суд амалиётида ягона тенденциянинг мавжуд эмаслиги: айрим ҳудудларда судлар томонидан вояга етмаганларни жазодан озод қилиш кўпроқ қўлланилаётган бўлса, баъзи ҳудудларда эса бунинг акси кузатилмоқда.

Мамлакатимизда вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича баъзи чоралар кўрилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Буларга вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишларини кўрувчи махсус суд тизимини ташкил этиш ва ушбу судларда психологлар ва педагогларнинг иштирокини кенгайтириш, таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим дастурларини такомиллаштириш, вояга етмаганларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англашига кўмаклашиш, маҳалларда ижтимоий хавф остидаги ёшлар билан ишлаш марказларини ташкил этиш, жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган вояга етмаганларнинг кейинги тақдири устидан кенг мониторинг тизимини ташкил этиш ва бошқалар кирди.

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, педагогик ва психологик масала ҳамдир. Мамлакатимизда бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилаётган бўлсада, тизимни янада такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Келажакда ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш бўйича комплекс ёндашув талаб этилади. Зеро, вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш нафақат инсонпарварлик тамойили, балки жамиятнинг келажаги учун стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестициядир. Сабаби, ҳар бир ёш авлоднинг потенциалини амалга оширишига имкон яратиш, жамиятнинг ёрқин келажагига қўйилган қатта қадамдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Уголовное право РФ (Общая часть).-М.: Юрист, 2008.
2. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. –М.: Бек, 2006.
3. Рустамбаев М.Ҳ. Курс уголовного права Республики Узбекистан в пяти томах. Том II. Ташкент ТГЮИ, 2008.
4. Аликперов Х.Д. Освобождение от уголовной ответственности. –М.: 2002.

5. Додонов Н.А. Сравнительное-уголовное право. Общая часть/Под.общ.ред.
– М.: Юрлитинформ, 2009.